

“ЎСИШ НУҚТАЛАРИ” да ҚАРАШЛАР ҲАМ, МУНОСАБАТ ҲАМ ЎЗГАРМОҚДА

Гапнинг ростлиги, яқин йилларгача Сурхондарёда фақат аграр тармоқни ривожлантириш мумкин, чунки бошқа соҳа ва тармоқлар истиқболсиз деган қарашлар мавжуд эди. Бироқ охириги етти йилда воҳада амалга оширилган катта ислохотлар бу қараш нотўғри эканини амалда исботлади.



Бугун вилоятнинг асосий драйверларидан бири бўлган аграр тармоқ қаторида саноат, қурилиш, хизмат кўрсатиш ва бошқа соҳалар ҳам изчил ривожланиб, янги иш ўринлари очилмоқда.

Вилоятда 2017 йили 25 минг 674 корхона фаолият юритган бўлса, ўтган йил якунига кўра, улар сони 46 минг 250 тадан ошди. Қурилиш, қишлоқ хўжалиги, хизмат кўрсатиш каби тармоқларда ҳам йирик ҳажмдаги ўсиш суръати кузатилаётган.

Иқтисодиётдаги, салоҳият ва имкониятдаги уйғунлашувдан юзага келган бу янгиланишлар олтинсойликлар ҳаётини ўзгартирмоқда. Бу каби қатор янги лойиҳалар юрт ободлиги, хонадонлар фойдаси, одамларнинг фаровон, тўқин турмуши учун хизмат қилапти.

Безҳўр деҳқончилиги ортидан орттирган пуллари битта машинага етиб қолганини чамалаб кўраркан, яқин ўртоғи бир вақтлар уни хоризжда ишлашга таклиф қилганида кўнмагани тўғри бўлганидан қувонди. Яхшиям унга эргашиб кетмагани. Бўлмаса, ким билади, ҳозир қайларда юрарди. Олис ўлкада иш топшининг ўзи бўлмаса керак. Ўртоғи ҳам шу пайтгача тайинли бирор жойга жойлашолмай юрганини тунов кунининг отаси айтиб қолди.

Ёш деҳқон шуларни ўйларкан, ўтган йили ҳосилдорлик чўғи зўр бўлганидан мамнулик туйғуси юзига урди. Лекин бу билан ишни тўхтатиб бўлмайди. Ҳали режалари бисёр. Бу ёғи уй-рўзгорга ҳам ёрдам қилиши керак. Бунинг учун фақат томорқадан янада унумли фойдаланиш лозим.

Бундан ташқари, тез орада ҳосилга қирадиган помидор ҳам камиди бир ярим минг тоннадан орტიқ ҳосил бериши кутил-япти. Бу маблагга чақилдиган бўлса, камиди 15-20 миллион сўмга бориб қолади. Умумий ҳисобда битта иссиқхона бир мавсумда ўртача ўттиз миллион сўмдан ортиқ фойда келтиришмоқда.

ЁШ ДЕҲҚОН томорқадан ҳар йили 200 МИЛЛИОН СЎМдан зиёд ДАРОМАД ТОПМОҚДА



ни яхши ўрганган. Шу сабаб ҳовлисига кирган кишининг дили яйрайди. Бонси, бир қарич бўлса-да, бўш ернинг ўзи йўқ. Қишлоқдаги ота-оналар фарзандларига, кўпчилик ёшларга уни намуна сифатида кўрсатади. Аслида, ёш йигитнинг қилган ишлари ўрнак олса ариғилари. У ерга кам ҳаражат қилиб, кўпроқ фойда кўриши йўлини қидиришдан, изланишдан қарча-майди. Маалакали миришорларнинг кўп йиллик тажрибаларини ўрганишга ҳаражат қилади. Айниқса, ҳовлисига оқар сув келиши мушкуллиги бонс, шуни қандай қилиб осонроқ ҳал этиши чораларини излайди.

муаммо йўқ. Ҳовуддаги сувдан томчилатиб сугориш орқали ниҳоқлар тагига намлик доим бориб туради. Иссиқхоналарга экин совуқ кунлар тушгандан сўнг экила бошланади. Бу пайтда кузги-қишки ёғин мавсуми бўлади. Демак, кунлар исиб кетгунга қадар сув муаммоси ҳал этилади. Мутахассислар фикрича, ҳосилдорлик ортинда ҳам ёғин сувининг ҳиссаси катта.

Бундан ташқари, ёш йигитнинг ҳовлисида ўттиз бош қўй, ўндан ортиқ қорамол боқилмоқда. Сигирлардан кунига ўн беш-ийгирма литр сут соғиб олинади. Харидорлар ўзи келиб олиб кетади. Бу ҳам рўзгорга наф келтирмоқда. Ҳар йили 20 та кўчқор боқиб, тўғта топширмоқда. Сирасини айтганда, бир йилда ҳовлининг ўзидан ўртача икки юз миллион сўмдан зиёд даромад топтомоқда. Ушбу мавсумда эса бунини янада ошириш истаганда.

Ақбар РАҲМОНОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Сарвар ТЎРАЕВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

Мулоҳаза

ЭСИЗ МЕҲНАТ, ЭСИЗ МАБЛАҒ

ЖИЗЗАҲДА МИНГЛАБ КЎЧАТЛАР КЎКАРМАЙ НОБУД БЎЛДИ

Юртимизда ўсимликларнинг 4,5 мингга яқин тури ўсади. Биологик ва ландшафт ранг-баранглиги ҳам асосий миллий бойликларимиз ҳисобланади. Бугунги кунда кўриқхоналар ва миллий табиат боғлари ходимлари томонидан нафақат ўз худудидаги табиий бойликларни асраш, балки аҳоли ўртасида муҳофаза этиладиган табиат бойликларининг нечоғлиқ муҳимлигини тушунтириш, атроф-муҳит озодлиги ва биохилма-хилликни сақлаш билан боғлиқ тарғибот-ташвиқот ишлари ҳам олиб борилмоқда.

Лекин бугун жиддий хавф билан юзма-юз келганимизда тарғибот-ташвиқот ишлари билан чегараланмай, қатъий чоралар қўллашмиз зарурлигини тушуниб етдик.

Шу ўринда бугунги кунда амалга оширилаётган “Яшил макон” умуммиллий лойиҳаси иқлим ўзгариши, чўлланиш, шўрланиш, туپроқ эрозияси ва бошқа муаммоларга ечим бўлаётганини эътироф этиши зарур. Дунёдаги бошқа давлатларда экология билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш бўйича тажрибаларга назар ташласангиз, ХХРда ҳозирги кунга қадар давом этаётган дарҳат экин, “яшил белбоғлар” (иҳоталар) барпо этиш орқали чўлланишни тўхтатишга муваффақ бўлингани эътиборга молик.



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Ҳудудларида қилладиган дарҳат ва бута кўчатлари кўкарувчанлигини таъминлаш учун сугориш тизими мавжуд бўлмаган ерларга ҳамда ёши 5 йилдан кам бўлган кўчатларнинг экилиши тақиқланган бўлса-да, жорий йилнинг баҳор мавсумида Арнасой, Бахмал, Галлаорол, Ш.Рашидов, Зомин, Зарбдор, Зафаробод, Фориш ва Янгибод кўчатлари озиқлантириш ва парварши қилиш бўйича кўрсатмалар берилди. Аммо кўрсатмаларни ўз вақтида бажармагани, су-

туманларида жами 14 та корхона, ташкилот ва муассаса томонидан 42 минг 390 туп кўчат сугориш тизими мавжуд бўлмаган ерларга экилган.

Асад МУСТАҲОЕВ, журналист

ИККИ АСРЛИК ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИГА НАЗАР:

АМИРЛИК ДАВРИДАН БУЁН

КАБОБПАЗЛИК БИЛАН МАШҒУЛ СУЛОЛА

Кейинги йилларда бизнес соҳасида залворли китобга жо бўлгулик ўзгаришлар юз берди. Бозор муносабатларига ўтишнинг асосий шarti кўп тармоқли иқтисодий ва рақобат муҳитини шакллантиришнинг ҳуқуқий, ташкилий шарт-шароитлари вужудга келишидан иборатлиги учун хусусийлаштиришга ва тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга катта эътибор қаратилди. Иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириб, илдинги бақувват қилишда бозор муҳитини юзага келтиришнинг асосий омили кичик бизнесни ривожлантиришдир. Оилавий бизнес эса мана шу бош оминнинг йўналишларидан бири.

Оилавий бизнес нафақат оила, балки жамият ва давлат учун ҳам бирдек манфаатли. Боиси, ҳар бир оила ўзи юқори даражада фойда олиш билан бирга жамият учун зарур маҳсулотларни ишлаб чиқаради ва хизмат турларини кўпайтиради. Мамлакат учун янги бозорлар вужудга келтиради, аҳолини иш билан банд қилишга ҳисса қўшади, бошқа ташкилот ва оилаларда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар ва хизматлар истеъмолчиси ҳамда фойдаланувчиси сифатида юзага чиқади. Муайян турдаги солиқларни тўлаб, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиради. Ушбу вазифаларни бажариш давомида етти-саккиз йилда мамлакат иқтисодиётида кичик бизнес ва хусусий тармоқ кўлами ҳамда ҳажми салмоқли даражада ўсди. Оилавий бизнес билан шуғулланаётган оилалар сони ва шунга мос равишда унинг яли ички маҳсулотдаги улуши ортиб бормоқда.

Бир неча асрдан буён тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиб, касбини, хунарни сулолавий занжирга боғлаган, ўзинга хос тарих яратётган оилалар оилавий бизнес бошлаш ниятидагилар учун чинакам ҳаётий намуна бўлиб хизмат қилади. Шу билан бирга, улар иқтисодийликка, бундан ташқари, туризм ривожига баҳоли қудрат ҳисса қўшади. Бу маънавий мерос маҳаллий жамоалар ва аънаваний билим эгаларининг эҳтиёжлари учун сақлаб қолинг, мослаштирилган ҳамда ҳаётнинг турли соҳаларини ривожлантиришда муайян қийматга эга.

Бухоро вилоятининг Ғиждувон туманида кабообпазларнинг бутун бир сулоласи фаолият юритади. Уларнинг ажодди амирлар давридани бери шу хунар билан шуғулланиб келди.

2023 йил 29 майда Ғиждувон кабообига географик кўрсаткич мақоми берилган. Тадбиркорлик соҳасини табиий равишда тарғиб қилаётгани учун ҳам бу ажойиб сулола вакиллари билан суҳбатлашни ният қилдик.



Соғлом турмуш тарзи

ПИЁДА ЮР, ЮГУР, ҲАРАКАТДА БЎЛ!

Кўштепа тумани “Қоражиёда” маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Каримжон Ҳақимов бу йил 77 ёшни қарши олди. Аммо ҳаракатлари чаққон, нигоҳлари теран, сўзлари маъноли. Бу бежиз эмас, албатта.

У бир неча йилдан буён соғлом турмуш тарзига амал қилади. Пиёда юриш, жисмоний машқлар бажариш, велосипед миннишга одатланган. Нурунийнинг бу саъй-ҳаракатлари бугунга келиб маҳаллада омалашди. Улар эрта тонда жисмоний ҳаракатлар орқали баданларини қиздириб, пиёда юради, югуриш машқларини бажаради ва албатта, велосипедга сайр қилади. Бугунги кунда бу жамоа сафида 120 дан зиёд фахрий, 200 дан ортиқ ёш оммавий спорт ва велоспорт турлари билан шуғулланиб келяпти.

— Ун тўрт йилдан буён спорт-соғломлаштириш машғулотлари билан шуғулланаман, — дейди кекса спортчи Каримжон Ҳақимов. — Нафақатга чиқиб, уйда бекор қолган дамларда қон босимим 200-220 бўлган, кўп бор даволандим, самараси яхши бўлмади, касаллик тез-тез хуруж қиларди. Соғлом ҳаёт тарзига амал қилиб, спорт билан шуғулланишни одат қилгач, барча дардлардан фори бўлдим. Қон босимим метёрлашди, иштахам очилди, ортиқча вазндан

халос бўлдим, тиникиб ухлагша одатландим. Ҳозирги ёшимда ҳам велосипедда 150-200 километр йўлни бемалол босиб ўта оламан. Маҳалламизда “Workout” майдони қурилди. Бу ер спорт ва соғлом ҳаёт тарзига ошно бўлган нурунийлар, спортсевар ёшлар билан ҳаминша гавжум. Сайр ва қишлоқлар бўйлаб велосипедда шаёр қилиб юрганимизни кўрган ёшлар бизга ҳавас қилади. Жамоамизнинг энг кекса аъзоси бу йил 84 ёшга кирди.

Велосипед миниб, ўз саломатлигини тиклаб, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилишга намуна бўлаётган нурунийлар сафи кундан кунга кенгайиб бормоқда. Улар, аввало, ўз оиласи, маҳалласидаги нурунийлар, кўпалаб ёшларга ибрат бўлаётди. Ёшлар эса веломафрончи отахонлар изидан бориб, уларга ҳамроҳлик қилишга одатланган.

Нурунийлар бугунга қадар юртимизнинг сўлим дам олиш масканлари, тарихий қадимжон ва зияратгоҳлар бўйлаб саёҳатларда бўлиб қайтди. Утган йили Қорақалпоғистон



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Республикаси бўйлаб саёҳатлар уюштиришди. Бундан ташқари, Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод, Новкент, Қозғистоннинг Туркистон шаҳарларига велосипедда боришди. Машрабжон Мусаев ҳам соғлиғидан кўп шикоят қиларди. Даво топши илҳижда у учрамаган шифокор, ичмаган дориси қолмади.

Нуруний дўстлари тавсияси билан велосипед миннишга ишқибоз бўлдию йиллар давомида қинаб келётган барча дардларидан қутулди. — Нафақа пулимнинг аксариятини доридармон харид қилишга сарфлардим, — дейди етмиш ёшли мўйсафид. — Уч йилдирки, соғлом турмуш тарзига амал қилиб,

соғлигимда ижобий ўзгаришлар юз берди. Ҳеч қандай шикоятим йўқ, дори-дармонга муҳтож эмасман. Кунига 5 километр пиёда юришга одатландим, 15-20 қақирим йўлни велосипедда босиб ўтаман. Дам олиш кунари маҳалламиздаги велосипедчилар гуруҳи билан 50-60 километр йўл юриб, саёҳатларга борамиз. Қуз-қиш мавсумида спорт заллари, сузиш ҳавзаларига боришни одат қилганмиз. Умуман, спорт соғлиқ, чўнтакка ҳам фойдали эканини англаб олдик.

Соғлом ҳаёт орқали саломатлигини тиклаб, жамиятнинг фаол аъзосига айланган нурунийларнинг яна бири Исмомилжон Рўзибоев бўлади. У бел ва оёқлари тез-тез оғришдан шикоят қилиб келган. Шифокор муолажаларини олгач, касаллигини бир дам унутгандай бўлади, бир оз вақт ўтиб, бу ҳолат яна такрорланади. Пиёда юриш, жисмоний машқ ва велосипедда ҳаракатланишга одатланганидан буён хасталигини унутди.

— Авваллари кекса ёшдагиларнинг спорт билан шуғулланиши учун етарли шароит ва имкониятлар йўқ эди, — дейди Тўлқинжон Маматов. — Бўш вақтларимизнинг аксариятини чойхоналар, дам олиш масканларида ўтказишга кўникиб қолгандик. Энди имкон қадар спорт майдонларига боришга ҳаракат қилганимиз. Чунки чекка қишлоқларда ҳам замонавий спорт майдонлари, велосипедда ҳаракатланиш йўлакчалари қурилаётгани аини мудида бўлди. Инсон ўз соғлиғига бепарқ бўлмай, уни асраш учун интилиши, мавжуд

имкониятлардан тўғри фойдаланишга ўрганиши керак. Буни ўз ҳаётим, соғлигим мисолида тушуниб олдим.

Атрофига ўзини ўқуш соғлом турмуш тарзи тарафдорларини жаллаган Каримжон Ҳақимовнинг спорт тарғиботи йўлидаги фаол ҳаракати бесама қетмади. 2020 йил “Спорт фахрийси” медали, 2021 йил “Меҳнат фахрийси” 1-даражали кўкрак нишонини, “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги” эсдалик нишонини, 2023 йилда “Соғлом турмуш” медали билан тақдирланди. Бу эътироф жамоатчи спортчини ҳар жиҳатдан руҳлантириб, янги ташаббусларга ундади. Аини кунда велоспорт йўналишида маҳалла аёллар гуруҳи фаолияти ҳам йўлга қўйилди.

Фаргона вилояти ҳокимлиги, вилоят спорт бoshқармаси фахрий спортчиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлаб келмоқда. Уларни мавсумий спорт кийимлари билан таъминлаб, велосаёҳатларда уюштиришга кўмаклашмоқда.

Сирасини айтганда, соғлом ҳаёт йўлидаги ислохот ва эзгу ташаббуслар юртимизда соғлом турмуш тарзига амал қилиш имконини бермоқда. Шундай экан, пиёда юриш, югуриш ва албатта, велосипед миннишга одатлангилар. Бу сиз ва бизни соғлом турмуш тарзи томон етаклайди.

Расулжон КАМОЛОВ,
“Янги Ўзбекистон” мухбири



ҲАЗЕТАДАГИ МАТЕРИАЛЛАРНИ ЛОТИН ЁЗУВИГА АСОСЛАНГАН ЎЗБЕК АЛИФБОСИДА ЎҚИШ УЧУН МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ.

